

АГЗАМОВА Муҳаббатхон Миртохировна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси доцент в.б., PhD
m.agzamova@iia.uz
ag.muhabbat@mail.ru

ШИА ЙЎНАЛИШИНING ВУЖУДГА КЕЛИШИГА ТАЪСИР КИЛГАН ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

АНАЛИЗ ФАКТОРОВ, ПОВЛИЯВШИХ НА ВОЗНИКНОВЕНИЕ ШИИТСКОГО НАПРАВЛЕНИЯ

ANALYSIS OF THE FACTORS THAT INFLUENCED THE EMERGENCE OF THE SHIISM

Аннотация: Мақолада исломдаги йўналишлардан бири бўлган шиаликнинг келиб чиқиши, шаклланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган. Шунингдек, мақолада ўн тўрт аср олдин исломнинг катта бир йўналиши сифатида вужудга келган шиаликнинг турли ихтилоф ва ақидавий қарашлардан ҳоли ҳолда фақат сиёсий ҳаракат сифатида намоён бўлиши, ўз тарафдорларининг турли хил қарашлари туфайли асрлар оша бир қанча оқим ва фирқаларга бўлиниб кетиши жараёни ҳамда юзага келган кўпчилик оқим ва фирқаларнинг диний қарашлари ислом ақидаларидан четлаиши, шиаликнинг ўзига хос диний йўналиш сифатида шаклланиши жараёни баён этилган.

Калит сўзлар: шиалик, рофизия, суннийлик, имомат, илоҳий, тақия, ваҳий, мусулмон, мазҳаб, муаррих, ақида, ҳадис.

Аннотация: В статье описываются происхождение, становление и специфика шиизма, который является одним из направлений в исламе. Также в статье шиизм, возникший четырнадцать веков назад как крупная ветвь ислама, предстал лишь как политическое движение без каких-либо различий и идеологических взглядов, процесс раскола на несколько течений и сект на протяжении веков обусловлен различными взгляды его сторонников и сложившееся большинство течений, религиозные взгляды сект отклоняются от исламских верований, а также описан процесс формирования шиизма как отдельного религиозного направления.

Ключевые слова: шииты, рафидиты, сунниты, имамат, божественный, такия, откровение, мусульмане, мазхаб, муаррих, ақида, хадис.

Annotation: The article discusses the emergence, formation, and distinctive features of Shiism as one of the directions in Islam. Shiism, which emerged fourteen centuries ago as a major branch of Islam, manifested itself only as a political movement without various differences and ideological views, a process of splitting into several movements and sects over the centuries due to the different views of its supporters, and most of the movements and sects that emerged described the process deviations of religious views from Islamic beliefs and the formation of a unique religious movement under the influence of other religious beliefs.

Keywords: Shia, rafizia, sunni, imamate, divine, taqiya, revelation, muslims, madhhab, muarrih, aqeedah, hadith.

КИРИШ

Ҳозирда мусулмонлар асосий ақидавий масалаларга бир хил ёндашувчи, бироқ айрим шаръий ва диний-сиёсий масалаларга турли нуқтаи назарда турувчи икки гуруҳ – суннийлар ва шиалардан иборат бўлиб, бугунги кунда дунёдаги мусулмон аҳолининг 90 фоизидан зиёдини суннийлар, қолганини шиалар ташкил этади. Ўз навбатида, мазкур йўналишлар диний масалаларга турлича ёндашув асосида юзага келган мазҳабларга бўлинади.

Ислом тарихининг илк даврларидан бошланган сиёсий ва ақидавий баҳслар, фикрий тафовутлар натижасида, турли оқимлар ва йўналишлар пайдо бўла бошлади. Уларнинг энг муҳимларидан бири шиа оқими бўлиб, ҳижрий биринчи асрнинг охириги чорагида, илк шиа қарашлари намаён бўлиб, хусусан, имомат, маҳдийлик, ражъат¹ каби ғоялар аста-секин шакллана бошлади. Айниқса бу қарашлар асл араб бўлмаган маволийлар² орасида кенг тарқалди. Бу фикрлар ҳижрий иккинчи асрда Али ибн Абу Толибнинг насл-насаби билан боғланиб, эски сосонийлар маданиятига мансуб баъзи қарашлар уйғунлигида шиалик сифатида намоён бўлди. Айнан шу тарихий жараёнларнинг кейинги давридаги “шиа” атамаси “Расулulloх (с.а.в.) вафотларидан кейин давлат раҳбари Алига ва унинг авлодларидан бўлган кишиларга ўтиш керак, – деб баҳслашувчи гуруҳлар” маъносини билдирди.

¹ Ражъат бу – шиа имомлари ҳаётлик вақтларида маҳрум қилинган ҳақлари эвазига охириги замонда ҳукмронлик қилишлари учун қайтиши ҳақидаги ақида.

² Маволий атамаси ҳаж мавсумларида турли сабаблар билан Маккага келиб, Курайш қабиласининг бирор уруғи ҳимоясига ўтган аҳолига нисбатан қўлланилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Шиалик Муҳаммад (с.а.в.)дан кейин Али ибн Абу Толиб насс (Қуръон ва ҳадис)га мувофиқ ҳолда васият билан имом бўлганлиги ва бу ҳолатда имомлик Али ибн Абу Толиб ва унинг авлодларига тегишли эканлиги, имомликни фақат зулмга учраган ҳолда ёки имом бўлиши керак бўлган шахс такийя³ орқали имомликдан воз кечишга мажбур бўлгандагина “Аҳли байт” кўлидан олиб ташланиши мумкинлиги ҳақидаги ақида ҳисобланиб, уларнинг эътиқодига кўра, имомни танлаш ва тайинлашни халқнинг ўз ихтиёрига қўйиб бўлмайдиган, пайғамбарлар имом танлаш каби муҳим масалани одамлар ихтиёрига қолдирилиши илоҳий амрни эътибордан четда қолдириш сифатида қаралади [6:144-146].

Шиалар “Али ибн Абу Толибни қўллаб-қувватлаган, Али ибн Абу Толиб Пайғамбардан кейин одамларнинг энг олийси эканлигига ишонган, Али ибн Абу Толиб Пайғамбар (с.а.в.) томонидан имом ва халифа этиб тайинланган, Али ибн Абу Толибдан кейин имомларни тайинланиши ва унинг авлодларидан очиқ ёки махфий матн орқали васият қилинишини қабул қилган, имомлар катта ва кичик гуноҳлардан ҳимояланган (беғуноҳ) ва махсус илмлар билан мукофатланган” –деганлар ғоялар асосида тузилган жамоа сифатида ўзларини эътироф этадилар.

Шиалик аввалдан ўйлаб, режалаштирилган ҳаракат ёки мазҳаб бўлмай, сиёсий тарафкашлик оқибатида муҳолиф тарафга зид ўлароқ аста-секин шаклланган. Илк даврларда шиалик фақат сиёсий танлов бўлиб, мазҳаб характериға эға эмас эди. Али ва унинг ўғли Ҳасан бошчилигидаги бошқарув ҳозирги шиалик кўринишида эмас, кейинги тарихий жараёнлар, хусусан, Карбало воқеаси таъсирида шаклланган йўналиш ҳисобланади.

Шиаликнинг вужудға келиш даври ҳақида турли хил фикрлар билдирилган бўлиб, Ирфон Абдуҳамид ўзининг “Диросат фи-л-фирақ вал-ақоид ал-исломия” номли китобида уни етти босқичға бўлиб, изоҳлаб беради [5:12-15].

1. Шиалик Пайғамбар (с.а.в.) ҳаётлик вақтларида;

2. Пайғамбар (с.а.в.) вафотларидан кейинги даврда;

3. Усмон ибн Аффон вафотларидан сўнг;
4. Сиффин ва Жамал жангидан сўнг;
5. Али (р.а.)нинг ўлдирилишларидан сўнг;
6. Карбало фожиясидан сўнг;
7. Ҳижрий биринчи асрда шиа ақидасининг шаклланиши билан.

Шиалар Пайғамбар (с.а.в.) ҳаётлик вақтларида мавжуд бўлиб, Пайғамбар (с.а.в.) вафотларидан кейин алоҳида мазҳаб сифатида шаклланганлиги тўғрисидаги қараш аксар шиалар томонидан қабул қилинган фикр ҳисобланади. Аслида эса, эътибор берадиган бўлсак, ўша даврда “шиа” атамаси дастлаб мазҳаб, йўналиш маъносида эмас, балки “издош”, “маслакдош” маъносида қўлланилганлигига гувоҳ бўламиз. Али ибн Абу Толиб ва ҳатто у кишининг ўғиллари Ҳасан ибн Али ва Ҳусайн ибн Али даврида ҳам шиалик алоҳида мазҳаб сифатида кўриниши мавжуд эмас эди.

Шарқшунос олим И.П.Петрушевский шиаликни диний оқим сифатида Ҳусайн (р.а.)нинг 680 йилда жангда ўлдирилиши билан бошланиб, Аббосийлар ҳукумат тепасига келгунга қадар шаклланган ва шу даврда мазкур оқим ичида ҳам бўлинишлар бошланган деб ҳисоблайди [4:242].

Шиалар Али ибн Абу Толиб (р.а.) Муҳаммад (с.а.в.)дан кейинги одамларнинг энг олийси, унинг имомлиги ва мақоми Аллоҳ ва Муҳаммад (с.а.в.) томонидан фарз қилинган деб ишонадилар. Шиа уламоларидан Шайх Муфид (ваф. 413/1022 й.) “шиа” тушунчаси ҳақида шундай дейди: “Ташайю” – шиаликни ҳимоя қилиш, шиа бўлиш маъносида бўлиб, бу ҳақиқий диний ришталарға эға бўлган раҳбарни илоҳий мавқеға эға деб қабул қилиш орқали унга боғланган бўлишни англатади [8:2-3].

Йўналишни қачон пайдо бўлганлиги ҳақидаги турлича ёндашувлар таҳлилиға эътибор қилсак, шиалик дастлаб аҳли байтға эътибор маъносида қўлланилган бўлса, Карбало воқеаси натижасида, ушбу қараш исломда янги йўналишға асос солди. Шу жиҳатдан шиалик дастлаб сиёсий масалаларда баҳс қилган бўлса, кейинчалик ақидавий ва фикҳий масалаларда ҳам ўз қарашларини шакллантирди.

Бугунги кунда шиалар ва суннийлар ўртасида асосан, “имомат”, “саҳобаларға муносабат” ва “Қуръони каримдаги баъзи оятларни шарҳлашда” баҳсли жиҳатлар мавжуд. Шиаларни Аҳли суннадан ажратиб

³ Такийя – хавфли жойларда ўз эътиқод ва мазҳабини яшириш.

турадиган энг муҳим хусусияти ҳам, алоҳида ажралиб чиқишига таъсир қилган асосий ақидаси бу – “Имомат” масаласи ҳисобланиб, шиалар “Имомат”ни эътиқод таркибий қисмига киритади. Уларнинг фикрича, имом – халифа бўлиб, бу имомларнинг биринчиси Али ибн Абу Толиб (ваф. 40/661 й.) тан олинади ва имомат масаласи пайғамбарликнинг давоми сифатида қаралган. Аҳли сунна шиаларнинг имомат масаласи ҳақида Куръон ва суннатдан аниқ далил кўрсатмаганликлари, сабабли ушбу даъволарини қабул қилишмайди.

Шиалар Пайғамбар (с.а.в.) Макка ва Мадина орасида Ғадир Хумм деган жойда Али ибн Абу Толиб ҳақларида “Мен кимнинг мавлоси бўлсам, Али ҳам унинг мавлосидир. Эй Аллоҳим, унга валий бўлганга Сен ҳам валий бўлгин! Унга душман бўлганга Сен ҳам душман бўлгин” – деган ҳадисни келтириб, ушбу ҳадисни имоматга далолат сифатида изоҳлашади. Шиалар бу кунни ҳайит сифатида ҳозирги кунга қадар зулҳижжа ойининг 18-куни нишонлаб келадилар. Улар ушбу байрамни қурбон ва рамазон байрамларидан ҳам улуғ ҳисоблаб, айнан шу кунда Пайғамбар (с.а.в.) халифаликни Али ибн Абу Толибга васият қилганлар деб эътиқод қилишади.

Суннийларнинг китобларида бу воқеа зикр қилинса ҳам бу ҳадисни имомат масаласи доирасида келтириб ўтилмайди. Шу билан бирга, бу воқеа ҳақида Ибн Ҳишом, Табарий ва Ибн Саъд каби илк сийра муаррихлари ҳам тўлиқ маълумотлар келтириб ўтмаганлар. Юқорида келтирилган ҳадис орқали шиалар Али ибн Абу Толибга Муҳаммад (с.а.в.) тарафидан васият бор, деб изоҳлайдилар. Аммо аҳли сунна вал жамоа уламолари улар келтирган ҳадисни заиф ҳисоблаганлар. Шиалар эътиқодига кўра, Али ибн Абу Толиб халифаликка асосий даъвогар бўлиб, кўпчилик шиалар Абу Бакр Сиддик, Умар ибн Хаттоб ва Усмон ибн Аффоннинг халифалигини ботил санашади. Айрим ҳаддидан ошган шиа тоифалари Али ибн Абу Толибдан аввалги учта халифани кофирга чиқаришади.

VIII асрга келиб шиалик ўз бирлигини йўқотиб, бир қанча фирқаларга бўлиниб кетди. Ўрта аср уламоларидан Абулқоҳир Бағдодий (ваф. 429/1038) шиаларни “рофизия” номи остида тўртта асосий гуруҳга яъни “Зайдия”, “Имомия”, “Кайсония” ва “Ғулот”

йўналишларига бўлган [2:21-23]. Шаҳристоний (ваф. 548/1153) эса, шиаликни бешта гуруҳга “Кайсония”, “Зайдия”, “Имомия”, “Ғулот” ва “Исмоилия” тармоқларига ажратган [6:150-165].

Ҳозирда сўнги йилларда нашр қилинган ўзбек тилидаги адабиётларда шиа оқимлари асосан “Ғолий шиалар” (“кўп муболаға қилувчи”) ва “Мўътадил шиалар” гуруҳига бўлиб ўрганилади.

“Ғолий” сўзини келиб чиқишига назар солсак, бу сўз “ғулув” ўзагидан бўлган кўплик от бўлиб, луғатда “чегарадан ошиб кетганлар” ёки “меъёр чегарасидан ошганлар” маъносини билдиради. Суннийлик ва шиалик тарихига оид асарлар ёзган олимлар, одатда “Ғолий” атамасини имомат масаласида ўта кескин кетган тоифа сифатида изоҳлайдилар. Шиа уламоларидан Шайх Муфид “Ғолий” ўзини мусулмон санаб, Али ибн Абу Толиб ва унинг авлодидан бўлган имомларга илоҳийлик ёки пайғамбарлик нисбатини берган тоифа сифатида келтиради⁴. Шаҳристоний шиаларнинг имомат масаласида ҳаддан ошган ҳамда имомларни Аллоҳга ўхшатган тоифани “Ғолий” деб атади [6:173].

Ғолий шиалар VII асрдан бошлаб Алини пайғамбарлик ёки илоҳлик даражасига кўтарганликлари учун ғолийлар, яъни “муболаға қилувчилар” деб аталиб келганлар. Уларни ақидасига кўра, Али пайғамбар эди, лекин Жаброил (а.с.) хато қилиб ваҳийни унга эмас, балки Муҳаммад (с.а.в.)га олиб тушди [3:79].

Уларнинг яна бир гуруҳи Алини худолик мақомига кўтарадилар. Уларнинг фикрига кўра, худо алининг вужудига кириб, унинг жасади билан бирлашган деб даъво қиладилар. Улар илоҳий рух Муҳаммад (с.а.в.)дан кейин Али ибн Абу Толибга ўтган деб ҳисоблайдилар ва бу ҳақдаги даъволарни илк маротаба Абдуллоҳ ибн Саба⁵ каби фитначилар томонидан илгари сурилган. Илк диний тасаввурларда мавжуд бўлган, кейинчалик Фиръавн даврида Мисрда

⁴ <https://islamansiklopedisi.org.tr/galiyye>

⁵ Шиаларнинг тарихий шахсларидан яна бири Абдуллоҳ ибн Сабаъдир. У яманлик яҳудий бўлиб, зоҳиран мусулмон бўлиб фаолият юритган. У Аҳли байтни муқаддаслаштиришни ақидага айлантирди. Биринчи халифа ҳазрати Али бўлиши керак деб, аввалги уч халифа ҳазрати Алига ноҳақлик қилган деган ғояни илгари сурди.

кенг тарқалган бу ғоя – манбаларда “Хулул”⁶ ақидаси номи билан келади.

Шиалар ақидасига кўра, имомат масаласи имон шарти ҳисобланиб, имоматни қабул қилган ва унга эътиқод қилган кишини ҳақиқий шиа-мусулмон деб эътироф этишади. Шу билан бирга, имомларни пайғамбарлар каби хато ва гуноҳлардан пок эканлигини таъкидлаб, имоматни пайғамбарликнинг давоми сифатида келтиришади. Шиа имомлари пайғамбарларнинг меросхўрлари бўлиб, пайғамбарлардан кейин шариатни ҳимоя қилиш учун масъул бўлган ажралмас, илоҳий вакил сифатида қаралади. Имом барча бўлиб ўтган ва қиёмат кунигача юз берадиган ишлардан илҳом орқали воқиф бўлиб туради, ҳамда Қуръонни тафсир қилиш фақат имомга рухсат этилади деган қараш мавжуд [1:34-38].

“الإمامة” – “Имомат” атамаси араб тилидаги “أَمَّ” феълидан келиб чиққан бўлиб, “олдинда турмоқ”, “бирор бир нарсани бошқармоқ” деган маънони англатади. Исломи дини вужудга келгандан сўнг имом сўзи “намозда олдинда турувчи”, “диний раҳнамо”га нисбатан қўлланила бошлади. Муҳаммад Шаҳристонийнинг маълумотида кўра, ушбу атама исломда хорижийларни янги сиёсий куч сифатида ҳукумат учун кураши давридан бошлаб қўлланилган [7:10].

Баъзи шиа имомлари фикрига кўра, Али ибн Абу Толиб ва у кишининг авлодини имом бўлиши тўғрисидаги оятлар Қуръондан олиб ташланган деган фикр мавжуд бўлиб, хусусан, шиа олимларидан Муҳаммад Такий Нурий Табризий (ваф. 1320/1903 й.) “Фасл ал-хитоб фи исбот таҳриф китоб Робб ал-арбоб” номли китобида келтиришича, “Саҳобалар томонидан Қуръондан айрим оятлар қисқартириб олиб ташланган” – деган фикрни беради. Баъзи мўътадил эътиқоддаги шиалар бу каби ғулувга кетган сўзларни инкор қиладилар. Мўътадил шиалар асосан учта мазҳабга бўлиниб, уларнинг асосий фарқлари имомлар сони нечта бўлишидан келиб чиқади. Улар жаъфария, исмоилия ва зайдия мазҳаблари ҳисобланади.

ХУЛОСА

Бугунги кунда исломдаги мазҳаблар ва оқимлар бўйича илмий изланиш олиб бораётган

олимларнинг фикрига кўра, шиаликнинг биринчи пайдо бўлиши ақидавий масалаларда эмас, балки фақат сиёсий масала юзасидан вужудга келганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади. Шиа йўналиши VII асрда вужудга келиб, кейинчалик Муҳаммад (с.а.в.)дан сўнг Али ибн Абу Толиб ҳокимиятга энг ҳақли инсон деган ишораларни ҳадис ва ҳатто Қуръон оятларини турли шарҳлари орқали келтирадилар. Исломининг илк асрида вужудга келган шиалик турли сиёсий ва диний қарашлар оқибатида бир неча йўналиш ва гуруҳларга бўлиниб кетди. Пайдо бўлган оқимлар ва фирқалар диний қарашларини ривожлантириши натижасида исломнинг соф ақидасидан четлашиш ҳолати кузатилади. Мутахассисларнинг фикрича, бундай бўлиниш жараёнида шиалик бошқа маданиятлар таъсирида бўлган бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан ислом жамиятида пайдо бўлган сиёсий ва диний тафаккурнинг асл манбасини ўрганиш, ҳамда унинг пайдо бўлган даври ва шароитини ҳисобга олиш, таҳлил этиш ва ҳулосалар бериш бугунги замонавий тадқиқотларда муҳим омиллардан ҳисобланади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Мусулмон ҳукукида халифалик ва имомлик муаммолари // Мулоқот. – Тошкент, 1996. – № 2. – 38 б.
2. Абулқоҳир Бағдодий. Ал-Фарқ байнал фирқ ва баён ал-фирқа ан-нажияти минҳум. – Байрут: Ал-Мактабат ал-асрия, 1995. – 388 с.
3. Тулепов А. Исломи ва ақидапарасти оқимлар. – Тошкент: Шарқ, 2013. – 338 б.
4. Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII–XV веках. – Москва: Изд-во Ленинградского университета, 1966. – 400 с.
5. Ирфон Абдулҳамид. Диросат фил фирқ вал ақоид ал-исломия. – Бағдод, Рашид матбааси. 1967. – 150 б.
6. Муҳаммад ибн Абдулкарим Шаҳристоний. Ал-Милал ва-н-нихал. – Байрут: Дор ал-маърифат, 1992. – Ж. I. – 256 б.
7. Тохтиев Ш. Марказий Осиё шиа жамоалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Монография. – Тошкент: Bookmany print, 2022. – 151 б.
8. Шайх Муфид. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Нуъмон Уқбарий. Авоил ал-мақолат. – Техрон. Ал-муътамар ал-аламия ал-алфия, 1992. – 206 б.

⁶ Хулул – бу Аллоҳни маҳлукотлар билан бирлашиб кетиши. Аҳли сунна вал-жамоа ақидасига кўра, хулул ақидаси ботил ақида ҳисобланади.